

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА ЭЛЬВИРА АБДУСАТТАРОВНА

ЮКЛАРНИ ТАШИШНИНГ ЛОГИСТИК БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economical Sciences**

Камалова Эльвира Абдусаттаровна

Юқларни ташишинг логистик бошқарувини такомиллаштириш 3

Камалова Эльвира Абдусаттаровна

Совершенствование логистического управления перевозками грузов 25

Kamalova Elvira Abdusattarovna

Improvement of cargo transportation logistics management 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВА ЭЛЬВИРА АБДУСАТТАРОВНА

ЮКЛАРНИ ТАШИШНИНГ ЛОГИСТИК БОШҚАРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан № В2017.1.PhD/Iqt62 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdiu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали-(www.ziynet.uz)га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Карриева Якутхон Каримовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Икрамов Мурат Акрамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Суёнов Дилмурод Холмуродович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (+99871) 239-28-72; факс: (+99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (+99871) 239-28-72; факс: (+99871) 239-41-23; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ -рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон транспорти тизимида рақобатнинг доимо ўсиб бориши, турли транспорт турларининг ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш имкониятларининг кенгайиши, интермодал алоқаларнинг ривожланиши транспорт бозорида инновацион ривожланишнинг характерли натижаси бўлиб ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда транспорт тизимининг самарали ташкил этилиши барча соҳалар, хусусан, реал сектор, ижтимоий соҳалар тараққиётига ҳосилавий жиҳатдан таъсир қилади. Шунинг учун халқаро йўналишлар бўйича юклар ташишни такомиллаштириш, транспорт инфратузилмаларини жаҳон стандартларига мослаштириш ва эксплуатация қилишда логистик бошқарувни ташкил қилиш тажрибалари муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг замонавий ривожланиши кучли рақобат шароитида юк ташувчилардан ўз фаолиятларини оптималлаштиришга жиддий эътибор қаратишни талаб қилади. 2016 йилда дунёдаги энг йирик 50 та логистик компанияларнинг юк ташишдан олган фойдаси 248 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Жумладан, C.H.Robinson компаниясининг фойдаси 7,7% га, Expeditors International компаниясиники 8% га, Hitachi Transport System компаниясиники эса 18,3% га ошган¹.

Жаҳонда транспорт тизимини ривожлантиришга ихтисослаштирилган тадқиқот марказлари, халқаро транспорт ташкилотлари ташкил этилган бўлиб, уларда ушбу тизимнинг муаммоларини ечишга бағишланган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, замонавий стандартларга жавоб берадиган халқаро транспорт йўлаклари яратиш, логистик транзит ташувларини самарали ташкил қилиш, мультимодал юк ташишда инновациялардан фойдаланиш, халқаро транспорт йўлакларида логистик сервис хизматларини ривожлантириш, товар таннархида транспорт харажатларини минималлаштириш каби муаммолар бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, транспорт тизимининг ҳар тарафлама ривожланиши бошқа соҳалар ривожига мультипликатив таъсир кўрсатади, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда юкларни ташиш соҳасида 400 дан ортиқ автотранспорт корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Автомобиль транспорти билан юклар ташиш ҳажмининг йиллик ўсиши 11-12 фоизни ташкил қилади. Юклар ташиш ҳажмининг ортиши билан биргаликда нарх тарифларининг ҳам 15-25 фоизга ўсиши кузатилмоқда². Бугунги кунда ушбу контекстда юклар ташишни оптималлаштириш имконини берувчи транспорт-логистика тизимларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «...хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, логистика ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш, юк ва йўловчи

¹ www.fl.mail.madi.ru <http://www.kommersant.ru/doc/2164527>

² Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикада юклар ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштиришни тақозо этади.

ташиш фаолиятини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини ошириш, энг аввало, минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш» вазифалари белгиланган.³ Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси республикамизда юклар ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 2 декабрдаги «Транспорт инфратузилмаси ва ташқи иқтисодий маршрутларда 2018-2022 йилларда юкларни ташишни диверсификация қилиш тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3422-сонли Фармонлари, 2015 йил 6 мартдаги «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-2313-сонли Қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги замон шароитида логистик оптималлаштиришнинг илмий ва амалий вазифалари, логистик тизимларни самарали бошқаришни тадқиқ қилиш масалаларига хорижий олимларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Langley C.J.⁴ маҳсулотни ишлаб чиқариш линиясидан тортиб харидорга самарали ҳаракатлантириш билан боғланадиган фаолиятнинг кенг диапазонини тадқиқ қилган. Биринчи марта илм оламига «Supply Chain Management»⁵ (етказиб беришлар занжирларини бошқариш) атамаси киритилган. Bowersox D.J., Closs D.D., Hedfeich O.K., Oliver K. ва Webber⁶ менежментнинг интеграл инструменти сифатида бизнес-логистика концепциясини шакллантирган, шунингдек, тақсимлаш каналларида маркетинг ва логистиканинг функцияларида сезиларли принципаал фарқлар бўлишини кўрсатиб берган. С. Джеймс, Ф. Дональд, Д. Вуд⁷ ва бошқалар халқаро логистика назарияси ва амалиётининг замонавий масалаларини, логистик тизимларни таҳлил қилиш, назорат қилиш ва интеграциялаш масалаларини тадқиқ қилганлар.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

⁴ Langley C.J. The Evolution of the Logistics Concept // Journal of Business Logistics, 1979. №2, vol 7.

⁵ «Supply Chain Management» етказиб беришлар занжирларини бошқариш атамаси 1980 йилларнинг бошларида АҚШда пайдо бўлган. Ундан биринчи марта фойдаланишни америкалик конструктор Р.Оливер ва М. Webberларнинг ишланмалари билан боғлайдилар: улар бошланғич хом ашёни ишлаб чиқарувчидан охиригача истеъмолчигача моддий оқимларни бошқаришни етказиб беришлар занжирларини бошқариш деб аташ билан интеграллашган стратегия доирасида кўриб чиқишни тақлиф қилганлар.

⁶ Р.Оливер и М. Webber «Supply Chain Management»: Logistics catches up with strategy//Christohee M/Logistics. The Strategic Jseus L: Chapman and Hall, 1982.P. 63-75.

⁷ С. Джеймс., Ф. Доналд., Д. Вуд ва бошқалар халқаро логистика назарияси ва амалиётининг замонавий масалаларини, логистик тизимларни таҳлил қилиш, назорат қилиш ва интеграциялаш масалаларини тадқиқ қилганлар.

МДХ мамлакатларида логистик транспорт тизимларини бошқариш муаммоларини тадқиқ қилиш масаласи В.В. Дыбская, Е.И. Зайцев, А.А Иванов, Л.Б. Миротин, С.Н. Нагловский, Ю.М. Неруш, В.И. Сергеев, А.Н. Стерлингова, М.С. Фишельсон, Ю.А. Хегай⁸ каби олимлар томонидан амалга оширилган. Уларнинг илмий ишларида асосий эътибор логистиканинг эволюцияси, операцион логистик фаолиятни оптималлаштириш, етказиб беришлар занжирларини бошқаришда логистик фаолиятни асосий ечимларга интеграциялаш ва мувофиқлаштириш, етказиб беришлар занжирларига мослашиш, етказиб бериш занжирларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, автомобиль транспорти тизимини инновацион ривожлантириш, халқаро транспорт йўлакларида автомобиль транспортини бошқаришнинг логистик жиҳатларига қаратилган.

Мамлакатимизда юклар ташишни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар А.М. Багдасаров, Ш.А. Бутаев, М.А. Икромов, Б.И. Камилджанов, Я.К. Карриева, М.С. Касимова, Г.М. Касимов, Б.Ю. Ходиев, Г.А. Саматов⁹ каби олимларнинг ишларида ёритилган. Уларнинг илмий ишларида логистик бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларига асосий эътибор қаратилган.

Бирок, уларнинг илмий ишларида етказиб бериш занжирларини бошқаришнинг логистик аутсорсинги, ташишларнинг терминал тизимлари, самарали бошқаришни анализ ва синтез қилиш занжирларида автомобиль транспорти тизимининг ахборот-маълумот базалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Ушбу муаммонинг етарлича ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, диссертацияда юк ташиш логистик бошқарувининг муаллиф нуқтаи назаридан илмий аҳамиятга эга бўлган баъзи муаммолари тадқиқ қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, ОТ-Ф1-155 «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида тузилмани такомиллаштириш ва харажатларни камайтиришнинг фундаментал (назарий) асосларини ишлаб чиқиш» фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташқи иқтисодий фаолиятда юкларни автомобиль транспортида ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

халқаро логистик тизимларини такомиллаштириш ва логистика хизматларининг сифатига нисбатан асосий стандарт талабларини аниқлашдан иборат бўлган асосий ёндашувларни аниқлаш;

⁸ Хегай Ю.А. Автомобиль транспортини инновацион ривожлантириш. - Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011, 252 бет.

⁹ Саматов Г.А., Камилджанов Б.И., Галимова Ф.Р. Логистик бошқарув концепциялари ва моделлари. -Т.: «Fan va technology», 2015, 232 бет.; Карриева Я.К. Глобаллашув жараёнида халқаро транспорт логистик тизими фаолиятининг самарадорлиги. - Т.: Иқтисодиёт 2014, 240 бет.

халқаро ташувлар тизими логистик инфратузилмаси ривожланишининг инновацион жараён натижаларини кенг жорий қилишга асосланган асосий тенденцияларини аниқлаш;

халқаро логистик тизимларнинг замонавий инструментлари ва услубиятларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

транспорт-логистика тизимларида логистика хизматларини амалга ошириш учун логистик провайдерларни жалб қилиш имкониятини асослаш;

юклар ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш бўйича янгиликларни танлаш, уларни баҳолаш ва компаниянинг инновацион сиёсатини жорий қилиш изчиллигини (кетма-кетлигини) танлаш услубларини асослаш;

автомобиль транспортида халқаро логистик тизимлари қуришнинг замонавий усуллари ва услубларини жорий қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистонда юкларни халқаро ташишлар бўйича логистик хизматларни амалга оширадиган транспорт-логистика компаниялари ва уларнинг бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятида логистик тизимларининг ишини такомиллаштириш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва оптималлаштирилиши билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, статистик таҳлил қилиш, башоратлаш, эксперт баҳолаш, монографик ўрганиш, корреляцион-регрессион таҳлил, имитацион моделлаштириш, шунингдек, етказиб бериш занжирларини бошқариш услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳсулот етказиб беришлар занжирининг барча поғоналарида «ноу-хау» ва ахборот технологияларининг 3PL ва 4PL провайдерлик хизматларини жорий этиш асосида логистика жараёни босқичларини интеграллаш механизми такомиллаштирилган;

логистик тизимнинг маҳсулот етказиб бериш занжирларидаги оқим жараёнлари ривожланишини прогнозлашнинг «онлайн» режимида «мижоз талабини аниқ муддатда, керакли ҳажмда ва талаб этилган сифат даражасида қондириш» модели такомиллаштирилган;

транспорт операторлари фаолияти ва хизматларини интеграл баҳолашда «инсорсинг» ва «аутсорсинг» асосида транспорт-логистика хизматларининг рационал вариантларини танлашнинг алгоритмик асоси такомиллаштирилган;

эркин иқтисодий зоналар иқтисодиётини жадал ривожлантириш суръатларига мутаносиб равишда ишлаб чиқариш корхоналари ва логистик инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг «моддий, ахборот ва молиявий оқимлар захиралари» механизми ишлаб чиқилган;

эксперт баҳолаш, имитацион моделлаштириш усуллари қўллаш орқали халқаро юкларни хусусий транспорт операторлари томонидан ташиш жараёнларини самарали бошқаришнинг «интеллектуал транспорт тизимлари» услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

халқаро боғланишларда юкларни автомобиль транспорти билан ташиш бўйича транспорт-логистика тизимларини шакллантиришга бўлган асосий ёндашувлар аниқланган;

юкларни халқаро ташиш маршрутларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун логистик аутсорсинг хизматларини амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

инновацияларни баҳолаш ва автотранспорт корхоналарининг транспорт жараёнига жорий қилиш алгоритми ишлаб чиқилган;

юклар ташишни амалга ошириш бўйича терминал мажмуаларини шакллантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича ёндашувлар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган услуб ва ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, илмий-амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётда тестдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган эконометрик моделларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ва олинган натижаларнинг давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган натижаларнинг илмий аҳамиятга моликлиги шундан иборатки, янгиликларни танлаш, баҳолаш ва транспорт жараёнига жорий қилиш услуби ишлаб чиқилган, у юкларни автомобиллар билан халқаро ташиш тизимларини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш ва компания инновацион менежментининг замонавий стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятга моликлиги шундан иборатки, мақсадли устувор йўналишларга мувофиқ автомобиль транспорти ва коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган инновацион чоратadbирларни баҳолаш ва танлаш имконияти яратилган. Инновацион ресурслардан самарали фойдаланиш услублари, тамойиллари, мезонлари, механизмлари бўйича олинган хулоса ва назарий билимлар «Ўрта Осиё Транс» АК, «Шоштранс» ҚК, автомобиллар билан халқаро ташувчилар тизимида, шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ўқув дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, маърузалар матни, кейс-стади, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юкларни ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳсулот етказиб беришлар занжирининг барча поғоналарида «ноу-хау» ва ахборот технологияларининг 3PL ва 4PL провайдерлик хизматларини жорий этиш асосида логистика жараёни босқичларини интеграллаш механизмини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган («Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 7 декабрдаги 01-2/875-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилиши корхонага қўшимча 2600 млн. сўм фойда олиш имконини берган;

логистик тизимнинг маҳсулот етказиб беришлар занжирларидаги оқим жараёнлари ривожланишини прогнозлашнинг «онлайн» режимида «мижоз талабини аниқ муддатда, керакли ҳажм ва талаб этилган сифат даражасида қондириш»нинг такомиллаштирилган модели «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган («Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 7 декабрдаги 01-2/875-сонли маълумотномаси). Ушбу моделнинг амалиётга жорий этилиши «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамиятида халқаро транспорт ташувларини режалаштириш жараёнини ўртача 20 % га қисқартириш имконини берган;

транспорт-логистика хизматларининг рационал вариантларини танлашнинг такомиллаштирилган алгоритми «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилган («Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 7 декабрдаги 01-2/875-сонли маълумотномаси). Ушбу алгоритмнинг «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти фаолиятига жорий этилиши бошқарув харажатларини 15-20 % га қисқартириш ва қўшимча 500 млн. сўм иқтисодий самара олишга имкон берган;

ишлаб чиқариш корхоналари ва логистик инфратузилмалар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг «моддий, ахборот ва молиявий оқимлар захиралари» механизмини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Шоштранс» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Шоштранс» қўшма корхонасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 01-356-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг «Шоштранс» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилиши транспорт-экспедиторлик хизматларини 3PL даражагача кенгайтиришга имкон берган ва корхонага қўшимча 5 млрд. сўм иқтисодий самара келтирган;

эксперт баҳолаш, имитацион моделлаштириш усулларини қўллаш орқали халқаро юкларни хусусий транспорт операторлари томонидан ташиш жараёнларини самарали бошқаришнинг «интеллектуал транспорт тизимлари»нинг такомиллаштирилган услубияти «Шоштранс» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган («Шоштранс» қўшма корхонасининг 2017 йил 22 ноябрдаги 01-356-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг «Шоштранс» қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилиши бошқарув харажатларини 10-15% га камайтириш ва қўшимча 500 млн. сўм иқтисодий самара олишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган. Диссертация тадқиқотининг материаллари «Ўрта Осиё Транс» акциядорлик жамияти ва «Шоштранс» қўшма корхонаси фаолиятига жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан 7 таси илмий журналларда, жумладан, 5 таси республика журналларида, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, эълон қилинган ишлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 145 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг предмети ва объекти тавсифланган, тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган ишлар руйхати ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Логистик автотранспорт тизимларини бошқариш ва самарали фаолият кўрсатиш стратегиясини шакллантиришга бўлган ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобда автотранспорт тизимини бошқариш ва инновацион жараёни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқишга бўлган асосий илмий ва амалий ёндашувлар тадқиқ қилинган.

Иқтисодий тизимнинг тўлақонли фаолият юритиши, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига изчиллик билан кириб бориши, мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий аҳволи транспортнинг самарали ривожланишига боғлиқ бўлади.

Кейинги ўн йилликда бозор муносабатларининг мустақамланиши ва республиканинг иқтисодий тизимида содир бўлган структуравий трансформацияланишлар (ўзгаришлар) транспорт тизими ҳаёт фаолиятининг асосларини, транспорт корхоналарининг фаолият кўрсатиш тамойиллари ва транспортнинг жамоатчилик турмушидаги аҳамиятини тубдан ўзгартирди.

Бугунги кунда технологияларнинг ривожланиши юкларни автомобиль ва темир йўллар, шунингдек, денгиз ва авиация транспорти билан ташиш имконини беради. Юкларни ташиш усулини танлаш юкнинг спецификаси ва ҳажмига ҳам, уни белгиланган манзилга етказиб бериш тезлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Замонавий логистика ва етказиб бериш занжирларини бошқариш турли соҳалар – макро ва микроиқтисодиёт, умумий, стратегик, молиявий, ишлаб чиқариш (операцион), инвестицион ва инновацион менежмент, лойиҳаларни бошқариш, таваккалчиликни бошқариш, маркетинг, сотишларни бошқариш, бошқарув ва бухгалтерия ҳисоби, ахборот тизимлари ва технологиялари, шунингдек, тизимли таҳлил қилиш, умумий бошқариш назарияси, иқтисодий кибернетика, операцияларни тадқиқ қилиш, иқтисодий-математик ва оптималлаштириш услублари ҳамда моделлари соҳаларида билимлар ва кўникмалар кенг мажмуасининг услубий фундаменти асосланади.

Назариянинг қисмлари ва саноати ривожланган мамлакатларда логистика ҳамда етказиб бериш занжирларини бошқариш соҳасида тўпланган салмоқли амалий тажрибанинг кўрсатишича, концептуал режада логистиканинг асослари услубиятларда интеграл парадигмага таяниши лозим.

Логистика ва етказиб бериш занжирларини бошқариш услубиётининг ривожланишига кўп жиҳатдан маҳсулотларнинг ҳаёт цикли ва логистик қарорлар қабул қилиш вақтининг қисқариши таъсир кўрсатган. Ҳозирги кунда вақт рақобатнинг критик омилига айланган, чунки компаниянинг бозорда

эгаллаган позицияси ва яшовчанлиги бизнеснинг ташқи муҳити ва рақобатчилар ҳаракатларининг ўзгаришига, мижозларнинг маҳсулот ва сервиснинг сифатига қўядиган талабларнинг ўзгаришига компаниянинг тезда илғаб олиши қобилиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

АҚШ, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Хитой ва бошқа қатор мамлакатларда мувофиқлаштириш функциялари, худди операцион логистиканинг бутун функционали каби, компанияларнинг шиддат билан яратилаётган етказиб беришлар занжирларини бошқариш департаментларига тобора кўпроқ даражада берилмоқда.

1-расм моддий оқимлар, шунингдек, улар билан боғланадиган ахборот оқимлари ва молиявий оқимларни бошқариш назарияси ҳамда амалиётининг ривожланиши аспектида, яъни товарлар ва хизматларни уларнинг талабларига мувофиқ охириги истеъмолчиларгача рационал етказиб бериш жараёнлари билан боғланадиган масалаларнинг бутун мажмуасини ҳал қилиш аспектида логистиканинг жаҳон эволюцияси келтирилган.


XX асрнинг охириги йилларида шу нарса равшан бўлдики, аксарият тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таннархи амалда қанчалик мумкин бўлса, шунчага пасайган. Шу сабабли аксарият ғарб компаниялари учун етказиб беришлар занжирларини самарали бошқариш - уларга фойда олиш ва бозордаги улушни ошириш учун зарур бўладиган навбатдаги қадам бўлиши аниқ бўлиб қолди ¹⁰.

Энг йирик аналитик компанияларнинг (*AMR Research, Accenture Forrester Research*) маълумотларига кўра, компания етказиб беришлар занжирларини бошқариш концепциясини қўллаш туфайли баъзи бир рақобат афзалликларини қўлга киритади.

Етказиб беришлар занжирларини бошқариш бўйича амалга оширилган лойиҳалар етказиб беришлар занжирида умумий харажатларни 60% гача, захиралар даражасини 60% гача, ишлаб чиқариш ва етказиб беришлар вақтини 50% гача пасайтириш, етказиб беришлар аниқлигини 60% гача ошириш, қувватлардан фойдаланишни 20% гача яхшилаш, қийматни яратиш жараёнини оптималлаштириш ва харидлар ҳамда сотиш соҳасида транзакцион харажатларни камайтириш ҳисобига фойдани 30% гача ошириш, маҳсулот сифатини 30% гача ошириш, реакция кўрсатиш тезлиги ва етказиб беришлар занжирларининг қайишқоқлигини ошириш ҳисобига товар айланмаси ва бозордаги улушни 55% гача ошириш мумкинлигини кўрсатган. Қийматни яратиш занжирида операцион харажатларнинг етказиб беришлар занжирларига тўғри келадиган улуши 75% гачани ташкил қилиши, охириги маҳсулот нархининг 80% гачаси етказиб беришлар занжирларини қуриш босқичида қабул қилинган қарорларга боғлиқ бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда етказиб беришлар занжирларини самарали бошқаришнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди ¹¹.

¹⁰ Annual Conference Program (Oak Brook, IL.: Council of Logistics of management, 1998), p. 11.

¹¹ Иванов Д.А. Управление цепями поставок – Санкт-Петербург, 2009. Стр. 9-10.



1-расм. Жаҳон логистикасининг эволюцион ривожланиши¹²

Демак, логистиканинг предмети етказиб беришлар занжирларининг маҳаллий тугунларида оқимларни шакллантириш ва ҳаракатлантириш, етказиб беришлар занжирларини бошқаришнинг предмети эса миқозларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қаноатлантириш ва чексиз узоқ вақт кесимида мураккаб ишлаб чиқариш-экологик тизимларнинг барқарорлиги ҳамда уйғунлигини таъминлаш мақсадида қўшимча қиймат яратиш занжирининг узунлиги бўйлаб маҳаллий тугунлар ўртасида етказиб беришларни мувофиқлаштириш (координация) ва мувозанатлаш бўлиб ҳисобланади.

Логистиканинг илмий ёндашувлари ва амалий услубларига бўлган зарурат Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг бошланиши билан пайдо бўлган. Хориж тажрибаси ва логистиканинг юқорида кўриб чиқилган эволюциясининг кўрсатишича, логистиканинг конкрет назарий аппарати ва амалий инструментарийсига бўлган эҳтиёж ишлаб чиқариш кучлари, технологияларнинг ривожланишини, маълум тарихий даврда таркиб топган бозор муносабатларининг қанчалик етилганлигини белгилайдиган қатор шарт-шароитларга боғлиқ бўлган. Мамлакат бизнесида логистик ёндашувларнинг имкониятлари ва ўсиш суръатларини ҳам Ўзбекистонда бугунги кунда қарор топган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ҳамда иқтисодий ислохотларнинг боришидан узишган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас.

¹² Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда логистикани жорий қилишнинг амалий жиҳатлари алоҳида компаниялар даражасида эмас, балки макроиқтисодий кўламларда амалга оша бошлаган.

2017 йилдан мамлакатимизда Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар дастурлари ва лойиҳалари доирасида товар бозорлари ҳамда халқаро транспорт йўлакларининг инфратузилмасини логистик кўллаб-қувватлаш тизимини яратиш бошланган.

Мамлакатда логистиканинг бугунги кундаги аҳволига баҳо бериш билан шуни қайд қилиш мумкинки, ҳозирги кунда у тезкор ривожланиш босқичини бошдан кечирмоқда, бунда логистик компаниялар сонининг ортиши, бизнеснинг турли жабҳаларида стандарт логистик технологиялардан фойдаланиш амалиётининг тобора ўсиб бораётганлиги каби сабаблар характерли бўлади. Ғарбдаги компаниялар ҳам худди шундай оёққа туриш босқичини босиб ўтган. Принципиал фарқ шундан иборатки, ўзбек фирмалари уни хориж фирмаларига қараганда икки-уч марта тезроқ босиб ўтмоқда, табиийки, албатта, уларнинг тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Бунда экспорт-импорт ташишларининг катта қисми амалга ошириладиган транспорт йўлаклари, авваламбор, қанча масофага чўзилганлик, етказиб бериш муддатлари, асосийси эса – ташишларнинг нархи каби турли физикавий ва иқтисодий параметрлар билан тавсифланади. Айнан шу сабабли ташқи савдо бўйича шерикларни географик жойлашув қизиқтиради. Масалан, Ўзбекистон учун экспортдаги асосий шериклар Хитой, Россия, Қозоғистон, Туркия, Афғонистон, Эрон, Қирғизистон, Тожикистон, Франция ҳисобланади, уларнинг улушига экспорт ҳажмининг 55,1 % и тўғри келади.

Диссертациянинг **«Юклар ташишда логистик автотранспорт тизимининг ривожланиши ва уни бошқаришнинг самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган иккинчи боби юклар ташишда логистик тизимнинг фаолият кўрсатиш ва бошқариш кўрсаткичларини шакллантириш ва таҳлил қилиш, логистик таркибининг ташқи савдо операцияларини бошқаришнинг самарадорлигига таъсирини тадқиқ қилиш, логистика марказларида терминалли ташишлар тизимини танлашнинг самарадорлигини таҳлил қилишга бағишланган.


Ўзбекистон Республикасида 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида барча транспорт турлари билан 1174,0 млн. т. юк ташилган, бу 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан 103,7 % ни ташкил қилади. Шу билан бирга, юк айланмаси 66,9 млрд. т/км. ни ташкил қилган, бу 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан 2,5 % га кўп.

Юклар ташишнинг умумий ҳажмида энг катта улуш автомобиль транспортига тегишли – 88,7 %, транспортнинг бошқа турлари билан ташишнинг улуши 11,3 % га тўғри келади (2-расм).

Юклар ташишнинг бу тури миллий иқтисодиётнинг чакана савдо ва кичик бизнес каби соҳаларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юкларни автомобиллар билан ташиш миллий даражада ҳам, халқаро даражада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай ташишлар халқаро боғланишларда тобора катта аҳамиятга эга

бўлиб бормоқда. Бу мамлакат иқтисодиёти ва инфратузилмасига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Юк айланмасининг умумий ҳажмида қувур тармоқли транспортнинг улушига – 45,1 %, автомобиль транспортининг улушига – 20,4 %, темир йўл транспортининг улушига – 34,3 % тўғри келади.



2-расм. Республикада 2016-2017 йилларда юклар ташишнинг транспорт турлари бўйича тақсимланиши¹³


Автомобиль транспорти билан 1040,9 млн. т. юк ташилган, бу 2016 йилнинг январь-декабрь ойлари давридагига қараганда 3,8 % га кўп. Автомобиль транспортида юк айланмаси 2,5 % га ошиб, 13,6 млрд. т/км. ни ташкил қилган.

Транспортнинг барча турларида юклар ташиш ҳажми ошганлиги туфайли ялпи ички маҳсулотнинг умумий ўсиши ҳам ошган. Бунда ўсишга хизмат кўрсатиш сфераси энг катта ҳисса қўшган, бу сферанинг асосий тоифаларидан бири бўлиб ҳисобланадиган юкларни ташиш ва сақлаш ўзи кўрсаткичларини 2016 йилга қараганда 8,9% га оширган ва ЯИМнинг структурасида 11% улушга эга бўлган.

Юклар ташишнинг бундай катта ҳажми кўп жиҳатдан Ўзбекистон томонидан экспорт қилинадиган маҳсулот ва хизматлар ҳажмининг ортиши билан боғлиқ, бунда умумий хизматлар ҳажмидан 72 % ини айнан транспорт хизматлари, жумладан, 50% дан ортиғини темир йўл ва хаво транспорти билан кўрсатиладиган хизматлар ташкил қилади (3-расм).

Халқаро ташишларни амалга оширадиган миллий ташувчилар орасида Ўзбекистон Республикаси Автомобиллар билан халқаро ташувчилар ассоциациясига аъзо бўлган компаниялар асосий рақобатчилар ҳисобланади. Буларга, жумладан, «Bunyod» МЧЖ; «Falcon Trans Logistic» МЧЖ; «Mercator Trans» МЧЖ хориж корхонаси; «Safari Trans» МЧЖ; «Bel Trans Aziya» МЧЖ; «Nurbek Cargo Trans» МЧЖ; «Sergorus UZ» МЧЖ қўшма корхонаси; «Yasin Trans Service» МЧЖ; «OMEGA LOGISTIK» МЧЖ; «ULFAT GLOBAL TRANS» МЧЖ; «ARTUS» МЧЖ ва бошқа миллий ташувчилар киради.

¹³ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



3-расм. Ўзбекистонда экспорт ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш диаграммаси¹⁴

Экспорт-импорт ва транзит юклар ташиш ҳамда транспорт хизматлари кўрсатишга энг йирик буюртмачилар қуйидаги компаниялар ҳисобланади: «Med standard glass» МЧЖ (Ўзбекистон); «Somat AD» (Болгария) - «Willi betz»нинг (Германия) шўба корхонаси ҳисобланади; «Beijing Dong Weihongda International Freight Transportation Agent Limited Company» (Хитой Халқ Республикаси); «Orion Trade and Logistic» (Буюк Британия); «Узэлектроаппарат – Электроцит» ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси (Ўзбекистон); «Устюрт ГХК дирекцияси» унитар корхонаси; «Оби ҳаёт - injiniring» МЧЖ (Ўзбекистон); экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланадиган бошқа турли компаниялар.

«Ўрта Осиё Транс» АК қуйидаги компаниялар билан шерикчилик, агентлик келишувларига эга:

«HG Uluslar Arasi Nakliyat Ic Ve Dis Tic. Ltd. Sti.» (Туркия);

«DELTA BAR Int'l transport Co.» (Эрон);

«Вест Лайн» (Россия).

Юқорида кўрсатилган компаниялар «Ўрта Осиё Транс» АКга Туркия, Эрон ва Россиядан орқага юк олишни тезкор таъминлашга кўмаклашади.

«Ўрта Осиё Транс» АКнинг бошқа ташувчиларга қараганда асосий афзаллиги автотранспорт воситаларининг зарур сони билан барқарор ва оператив таъминлаш имконияти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда таркиб топган, автотранспорт паркида 3-5 та автомобиль бўлган хусусий ташувчилар томонидан юкларнинг ташилиши хулоса ва тавсиялар бериш учун статистик материалларни қидириш, ишлов беришни қийинлаштиради.

Транспорт компаниялари фаолиятининг диссертация ишида бажарилган ва умумлаштирилган техник-иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагиларни гуруҳлаштириш имконини берган:

ресурс кўрсаткичлари;

вақт омили бўйича фаолият кўрсатиш кўрсаткичлари;

¹⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

самарадорлик кўрсаткичлари.

Кўрсаткичларнинг функционал ўзаро боғланиши уларнинг натижавий кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш имконини берган (1-жадвал).

1-жадвал

«Ўрта Осиё Транс» АКнинг жамланма техник-эксплатацион кўрсаткичлари (таркибий бўлинмаларни ҳисобга олиб)¹⁵

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Шу жумладан, йиллар бўйича				2018 й. 2015 й. %
			2015	2016	2017	2018	
1	Автомашиналарнинг ўртacha сони	дона	171	175	190	128	74,8
2	Ўртacha юк кўтарувчанлик	тн	24	24	24	24	100
3	Умумий юк кўтарувчанлик	тн	4104	4189,0	4560	3064	74,6
4	Паркдан фойдаланиш коэффициенти	кф	0,70	0,56	0,70	0,70	100
5	Йўл босишдан фойдаланиш коэффициенти	кф	0,56	0,47	0,56	0,56	100
6	Тоннаждан фойдаланиш коэффициенти	соат	0,7	0,88	0,70	0,70	100
7	Иш кунининг режими	км	10	9,0	10	10	100
8	Ўртacha ташиш масофаси	соат	315	96,3	246	246	78,9
9	Юклаш-тушириш остида туриш	соат	25,0	16,4	25	25	100
10	Суткалик ўртacha йўл босиш	км	130	100,0	130	130	100
11	Техник тезлик	км	50	50,2	50	50	100
12	Ташишлар ҳажми	минг т	150	254,7	168	112	74,6
13	Юк айланмаси	минг т.км	47300	24523,1	41317	27485	58,1
14	Хўжаликдаги машина-кунлар	кунлар	43947	44159,0	48260	32104	73,5
15	Ишдаги машина-кунлар	кунлар	30763	24595,0	33782	22473	73,5
16	Туриб қолишдаги машина-кунлар	машина-кунлар	10415	20942,0	11438	7609	73,5
17	Наряддаги соатлар	минг соат	308	221,5	338	225	73,05
18	Ҳаракатланган соатлар	минг соат	104	48,9	88	58	55,7
19	Туриб қолинган соатлар	минг соат	204	172,6	250	166	81,3
20	Умумий босиб ўтилган йўл	минг км	5200	2459,2	4392	2921	56,1
21	Юк билан босиб ўтилган йўл	минг км	2912	1160,9	2459	1636	56,1
22	Юк билан қатнашлар сони	минг қатнаш	10	10,5	10	6,7	67
23	Техник тайёрлик коэффициенти	кф	0,76	0,526	0,763	0,763	100
24	1 машина-кунга унумдорлик	минг сўм	335,5	381,9	320,6	475,4	14,6
25	Ташишлардан олинган даромад	млн. сўм	10320	9392,5	10831	10684,3	103,5

¹⁵ «Ўрта Осиё Транс» АКнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Терминалли технологиядан турли компания ва корхоналар фойдаланади. Терминаллар орқали турли-туман юклар ташилади. Терминалларнинг сони ва қуввати компаниялар мавқеининг энг муҳим кўрсаткичи, унинг юқори сервис имкониятларининг аломати бўлиб ҳисобланади.

Терминалли технология ташишларни ташкил қилиш ва бошқариш шакллари, автомобиллар паркиннг ўлчамлари ҳамда структурасини белгилайди, автомобилларнинг ҳаракатланувчи таркибларини ишлаб чиқарадиган фирмаларга техник талаблар кўяди. Юк автотранспорт терминаллари Ғарб мамлакатларида пайдо бўлиши биланоқ оралиқ омборлар, қатор тармоқлар учун таъминот базалари функцияларини бажара бошлаган.

Терминалли тизимда функциялар учта ташкилий ва технологик жиҳатдан мустақил (бирок ўзаро аниқ мувофиқлаштирилган) жараёнларга ёки кичкина тизимчаларга ажратилади: юкларни терминалга олиб кириш ва уларни терминалдан тарқатиш; терминалда юкларга қайта ишлов бериш; юкларни линияли (терминаллараро) ташиш.

Юкларни автомобиллар билан терминаллар орқали ташиш ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда ўтган асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган.

Терминалли тизимни юк автостанциялари тизимидан ажратиб турадиган энг муҳим хусусиятлар қуйидагилар ҳисобланади:

доимий графиклар бўйича терминаллараро ташишнинг юқори даражаси (барча жўнатмаларнинг 60-80% игача);

ташишларни марказлашган оператив бошқариш.

Маълумки, Ўзбекистонда кўплаб мева-сабзавотлар етиштирилади, уларни ўз вақтида истеъмолчиларга етказиб бериш лозим. Бунда, шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, етказиб беришда етказиб бериладиган маҳсулотнинг янги узилганлиги, сифати ва ҳажми тўлиқ сақланиши лозим.

Бунга йиғиш-тақсимлаш терминаллари ёрдам беради, уларни Тошкент шаҳрига кираверишда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Уларни оптимал жойлаштириш ва супермаркетлар тармоғига бириктириш, супермаркетлар буюртмаларини бажариш маҳсулот сифати, миқдорлар эҳтиёжларини ассортимент бўйича тўлароқ қаноатлантириш, уларни ўз вақтида етказиб бериш муаммосини ҳал қилади.

Тошкент вилояти бўйича 2011-2016 йилларда жами 22,5 минг т. мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган совутиш камералари қурилган ва реконструкция қилинган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун совутиш камераларидан фойдаланиш логистикани агробизнесга жорий қилиш тамойилларининг биринчи босқичидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, йиғиш-тақсимлаш терминалларини яратиш барча манфаатдор шерикларни битта логистик занжирга туташтиради.

Диссертациянинг «**Юклар ташишда инновацион жараёнларни логистик бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш**» деб номланган учинчи бобида юклар ташишда инновацияларни танлаш ва бошқариш, терминалли структураларда логистик хизматлар провайдерини

танлаш услубиётини такомиллаштириш, инновацион натижаларни транспорт корхоналарининг фаолиятига жорий қилишни бошқариш услубиёти ва алгоритми ишлаб чиқилган юклар ташишда логистик бошқарувнинг самарадорлигини ахборот тизимлари базасида баҳолаш амалга оширилган.

